

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВА МОҲИЧЕҲРА ЁҚУБОВНА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА РАНГ СИМВОЛИКАСИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии

Content of the abstract of doctoral dissertation on doctor of philosophy

Рўзиева Моҳичехра Ёқубовна

Ўзбек халқ қўшиқларида ранг символикаси..... 3

Рузиева Моҳичехра Якубовна

Символика цвета в узбекских народных песнях..... 21

Ruziyeva Mohichehra Yakubovna

Symbolism of colour in Uzbek national songs..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВА МОҲИЧЕҲРА ЁҚУБОВНА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА РАНГ СИМВОЛИКАСИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil 10 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат университети Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифада <http://ik-filol.nuu.uz> манзилига ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Маматқул ЖЎРАЕВ филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шомирза ТУРДИМОВ филология фанлари доктори Исомиддин ЁРМАТОВ филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (371) 233-71-44 (иш), Fax: 233-71-44. E-mail: uzlit@uzsci.net).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, 10. Тел.: (99871) 246-63-58; факс: (99871) 246-53-21; e-mail: tdutau_nazorat@edu.uz).

Диссертация автореферати _____ йил «.....» да тарқатилди.
(2017 йил «...»даги ...-рақамли реестр баённомаси).

Б.НАЗАРОВ

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,
академик

Р.БАРАКАЕВ

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н

Т.МИРЗАЕВ

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинарнинг
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида рангга алоқадор образли бадиий ифодаларнинг тарихий-мифологик илдизларини очиб бериш, ранглар билан боғлиқ қарашларнинг бадиий талқинига хос хусусиятларни ва борлиқдаги рангларнинг эстетик ҳодисага айланишига асос бўлган омилларни аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бинобарин, дунё халқларининг ранг рамзийликлари ҳақидаги қарашларини умумлаштириш, ранг символикасининг поэтик тафаккур тадрижида тутган ўрни ва ролини белгилаш, рамзларнинг қўшиқлардаги эстетик моҳияти, поэтик табиати ва вазифаларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши туфайли қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзига оид маиший тушунчалар ҳамда поэтик тафаккур тараққиётининг илк қатламларига мансуб мифологик, анимистик, тотемистик, фетишистик, шомонлик, магик қарашларнинг таъсири сақланиб қолган анъанавий архаик образларни чуқур ўрганиш тамойиллари шаклланди. Зеро, «эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди».¹ Бу эса миллий маданиятимизни тараққий эттириш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутган, маънавиятимиз тарихини ўзида мужассам этган халқ қўшиқларидаги ранг тимсолларининг тарихий-мифологик асосларини аниқлаш, рангларнинг бадиий матндаги семантикаси, символикаси ва поэтик вазифаларини ўрганишнинг кенг имкониятларини очди. Аждодларимиз тафаккурининг бебаҳо дурдоналарини ўзида жамлаган фольклор асарлари генезисини ўрганиш орқали қадимий мифологик қарашларнинг халқ қўшиқларидаги бадиий талқинлари ойдинлаштирилди. Халқ қўшиқларидаги ранглар билан боғлиқ образ ва тимсолларнинг бадиий талқинини ўрганиш асосида борлиқдаги рангларнинг ноэстетик ҳолатдан эстетик ҳодисага айланишига асос бўлган омиллар ҳамда унинг тарихий-мифологик илдизлари аниқланди.

Жаҳонда рангнинг физик, психологик, фалсафий ва бадиий-эстетик хусусиятларини илмий мақсадларда ўрганиш анча илгари бошланган ва бу борада муайян ютуқларга эришилган. Хусусан, фольклордаги символизм, ранг рамзларининг поэтик ва бадиий-тасвирий восита сифатидаги хусусиятлари очиб берилган. Шундай бўлса-да, ҳозирги маънавий-маърифий эҳтиёж бу борада тўпланган билимларнинг ҳали етарли эмаслигини кўрсатади. Рангларга хос бадиий-эстетик вазифаларнинг кенглиги ва сержилолиги бу эҳтиёжни илмий заруратга айлантормоқда. Ранглар ҳақидаги халқ қарашлари асосида шаклланган рамзларнинг қўшиқлардаги эстетик моҳияти, поэтик табиати ва вазифалари этнофольклористик жихатдан чуқур ўрганилиши зарур бўлган долзарб вазифалардан биридир.

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент.: Маънавият, 2008. – Б.133.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сон «2010-2020 йилларда Номодий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида фольклордаги ранг рамзлари ва рангшунослик бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, И.В.Гёте, Л.Н.Миранова, В.Тэрнер, В.В.Немикин ва Е.Н.Девецкаяларнинг тадқиқотларида² эса физикада, тиббиётда, психологияда, санъатшуносликда ва бадий адабиётда рангга муносабат, ранг ва рамзийлик тушунчаси, ранг билан боғлиқ тасвир яратиш асослари, ранг тимсоллари поэтикаси турли халқ ва миллатларнинг оғзаки ва ёзма адабиётлари асосида таснифланган.

Ўзбек фольклоршунослигида рангларга тааллуқли рамзийлик белгилари яхлит ҳолда махсус тадқиқ этилмаган эса-да, бу борада баъзи мулоҳазалар билдириб ўтилган. Жумладан, М.Алавия, М.Ёқуббековалар рангларнинг ўзбек халқ кўшиқларидаги бадий-тимсолий моҳияти ҳақида қимматли фикрларни илгари суришган.³ Х.Эгамов эртақлардаги ранглар символикасини ўрганган бўлса,⁴ А.Мусақулов халқ лирикасидаги ранг тимсолларининг генезисини ойдинлаштиришга ҳаракат қилган.⁵ Д.Ўраева рангларнинг халқ кўшиқларида параллелизм санъатини юзага келтиришдаги ўрнини ҳамда ўзбек мотам маросими кўшиқларида ранг символикасини

² Гёте И.В. Избранные сочинения по естествознанию. – М.: Наука, 1957. – С.533; Миранова Л.Н. Цветоведение. – Минск: Высшая школа, 1984. – С.287; Тэрнер В.У. Символ и ритуал. – М.: Наука, 1982; Немыкин В.В. Символика цвета // Вестник Алтайского государственного университета. – Горно-Алтайск, 2010. – №1-2; Девецкая Е.Н. Символика красного цвета в русском и немецком сказочном фольклоре. Дисс. канд., филол., наук. – М, 2013.

³ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Т.: Фан, 1974. – 222 б.; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Т.: Фан, 2005. – 160 б.

⁴ Эгамов Х. Эртақларда ранглар символикаси // Совет шарқи туркий халқлари эртақчилиқ анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 289 б.

⁵ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010. – 307 б.

тадқиқ этган.⁶ Шунингдек, Ш.Турдимовнинг «Ўзбек халқ лирик кўшиқларида поэтик рамзлар» мавзусидаги номзодлик ишида рангга алоқадор рамзлар тўғрисида бирмунча чуқурроқ мулоҳаза юритилган.⁷ К.Мустаев «Алпомиш» ва «Роланд ҳақидаги кўшиқ» асарларида рақам ва рангларнинг белги-рамз сифатидаги бадиий моҳияти хусусида мулоҳаза юритган.⁸ Кўришиб турибдики, ўзбек фольклоршунослигида рангларнинг бадиий вазифаси, тарихий асослари яхлит ҳолда алоҳида тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари», Бухоро давлат университетининг Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси қошидаги Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Ғарбу Шарқ адабий анъаналари синтези» (2012-2016) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқ кўшиқларидаги рангларнинг рамзий-бадиий моҳияти ва эстетик вазифаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рангларга нисбатан эстетик муносабатнинг шаклланишига асос бўлган омилларни ўрганиб, рамз тушунчаси ва фольклорда ранг символикасининг етакчи хоссаларига аниқлик киритиш ҳамда ранглар билан боғлиқ мифологик қарашлар моҳиятини очиб бериш;

маросим ва номаросим фольклори намуналарида рангларга муносабатнинг акс этишини исботлаш;

ранг ҳақида шу кунгача билдирилган илмий-назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда ўзбек халқ кўшиқларида рангларга алоқадор рамзий образ ва образлиликнинг ўзига хос томонларини аниқлаш;

ўзбек халқ кўшиқларида рангларнинг бадиий-тасвир воситаларини яратишдаги ўрни ва ролини баҳолаш, хусусан, уларнинг сифатловчилик хусусиятларини, семантик типларини белгилаш ва асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек халқ кўшиқларида учрайдиган ранг образ ва тимсоллари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўзида рангларнинг рамзий-бадиий моҳияти, поэтик образларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари, рангларнинг сифатловчилик белгиларини намоён этадиган халқ кўшиқларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, компонент, контекстуал, психоаналитик, этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

⁶ Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари. НДА.– Т., 1993. – 20-б; Яна ўша. Ўзбек мотам маросими фольклорининг генезиси, жанрий таркиби ва бадиияти. ДДА. – Т., 2005. – 35 б.

⁷ Турдимов Ш.Г. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях. Дисс. канд., филол., наук. – Т., 1987. – С.184.

⁸ Мустаев К.Т. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в “Песне о Роланде” и “Алпамыше”. – Самарканд: Зарафшан, 1995. – С. 152.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ранг билан боғлиқ рамзийликларнинг келиб чиқиш асослари қадимги мифологик тасаввур-тушунчалар, диний-эътиқодий қарашлар, маросим, урф-одат ва табулар билан алоқадорлиги аниқланган;

ўзбек халқ қўшиқларида ранглар орқали ҳаёт воқеликлари, инсон руҳий кечинмалари, замон ва маконга, маросим ва рақамларга, иримларга муносабат очиқ берилган;

ранглар билан боғлиқ рамзийликларнинг турлича намоён бўлиши, ҳар бир рангнинг ўзига хос бадиий-эстетик моҳият касб этиши, лирик қонуниятлар, муайян ҳаётий ва бадиий-эстетик омиллар воситасида образлантирилиши исботланган;

ранг билан боғлиқ рамзий образлар аниқланиб, уларни образлантиришда қўлланилган лингвопоэтик воситалар тасниф қилинган;

ранг рамзийликларининг ёзма адабиётдаги ранг рамзийликларидан маъно-моҳиятига кўра фарқли ҳамда муштарак хусусиятлари аниқлаштириб берилган;

ўзбек фольклоршунослигида илк маротаба ранг билан алоқадор рамзий образларни тадқиқ этишда руҳий таҳлил методи кенг қўлланилиб, инсон онг ости кечинмаларини бадиий образ ва тимсоллар тарзида ифодалашнинг бадиий-эстетик тамойиллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқ қўшиқларида кўп учрайдиган ранглар рамзийлигининг поэтик моҳияти ва вазифаларини аниқлаш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, унга доир дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилади.

ўзбек фольклорида ранглар билан боғлиқ мифологик тизимни янада аниқлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади;

олий ўқув юртларида, академик лицей ва коллежларда, умумтаълим мактабларида халқ оғзаки ижодини ўрганишда ёрдамчи адабиёт бўлиб хизмат қилади;

ўзбек фольклори юзасидан маърузалар ўқиш, махсус курслар ўтиш, олий таълим тизимида «Ўзбек халқ оғзаки ижоди», «Ўзбек болалар фольклори» фанларидан дарс машғулотлари олиб боришда ўқув-усулий қўлланмалар яратиш имкониятини беради;

оммавий ахборот воситаларида халқ қўшиқларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишда манбаа вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг тарихий қиёслаш, тавсифлаш, компонент, психоаналитик, этнофольклористик таҳлил каби усуллар билан асослангани, муаммонинг аниқ қўйилгани, рангларнинг рамзий маъноларини очиқ беришда илмий-тарихий манбаларга таянилгани сингари жиҳатлар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек фольклорининг тарихий тараққиётида юз берган поэтик

ўзгаришлар ҳақидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради, балки халқ удумларида рангнинг ўрни ва маъно-мазмун, лисоний ва нутқий жиҳатлари ҳақидаги қарашлар асосида этнография, лексикология, семасиология фанларининг ривожига ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, рангнинг тил ва адабиётдаги ифода ва таъсир имконларини яратиши ҳақидаги қарашлар фольклоршунослик билан бир қаторда этнография, лексикология, семасиология каби фанлардан тайёрланадиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувиغا, ранг билан боғлиқ рамзлар энциклопедиясини тузишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ оғзаки ижодида ранг рамзийликлари ва образлар табиатини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

Ўзбек фольклоридаги ранглар рамзлари моҳияти ёритиб берилган мақолалар ва монографияда айtilган «фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масаласига доир» фикрлардан Ф-1-06 рақамли «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» номли фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, уларнинг бир-бирига таъсири масаласини ўрганиш» қисмида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 25 январдаги ФТК-0313/78-сон маълумотномаси). Мазкур натижалар халқ оғзаки ижодидаги ранг тимсолларига оид бадиий анъаналарнинг ёзма адабиётга таъсири ва фольклоризмларнинг поэтик табиатини белгиловчи ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштиришга асос бўлган;

«Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилддигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари» мавзусидаги Ф1–ФА. 2012–1–8 рақамли фундаментал илмий лойиҳани бажаришда, хусусан, ўн олтинчи («Ёзи билан Зебо»), йигирма тўртинчи («Гулнор пари»), йигирма еттинчи («Зулфизар»), йигирма саккизинчи («Малика айёр») ва йигирма тўққизинчи («Таркибадахшон») жилдларида берилган халқ дostonлари поэтик матнида қўлланилган ранг символикаси билан боғлиқ ўринларни таҳлил қилишда, халқ дostonларида қўлланилган эпик от образининг мифологик асосларини ёритишда кўк ва ола ранглар билан алоқадор халқ инончлари ҳамда улар тўғрисидаги тасаввурларнинг келиб чиқиш тарихига доир илмий қарашлар акс этган «Ўзбек фольклорида ранг символикаси» номли монографиядаги фикрлардан самарали фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 25 январдаги ФТК-0313/78-сон маълумотномаси). Бу эса ўзбек халқ романик эпосидаги анъанавий образларнинг тарихий асосларини мифологик тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ва давр ижтимоий муносабатларининг эпик сюжетга таъсирини кенг кўламда ёритиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 6 та республика конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 147 варақдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Рангларга эстетик муносабатнинг шаклланиш асослари, фольклордаги ранг рамзларининг етакчи хоссалари»** деб номланган биринчи бобида ранглар билан боғлиқ мифологик қарашлар моҳияти, рамз тушунчаси ва фольклорда ранг символикасининг етакчи хоссалари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Бобда адабиётшуносликда кенг қўлланиладиган қиёсий-типологик усул асосида «ранг» ва «рамз» атамаси билан боғлиқ баҳслар, уларнинг таснифига оид қарашлар Абу Наср Форобий, И.В. Гёте, Л.Миранова, Г.П.Снесарев, В.Тернер, Э.Воҳидов, Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов, С.Рўзимбоев, Д.Қурононов, Ш.Турдимов, Д.Ўраева, Ж.Эшонқулов, Б.Бафоев сингари ўзбек, рус ва жаҳон адабиётшуносларининг фикрлари асосида илмий баҳоланган.

Ранг табиатда мавжуд барча нарсаларнинг тусини, белгисини, атроф-муҳит гўзаллигини намоён этиш баробарида азалдан улар билан боғлиқ турли кайфият, ўй-кечинма ва ҳис-туйғуларни ҳам ифодалаб келади. Шу боисдан одамлар рангларга катта аҳамият берганлар ва унинг хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Буюк аллома Абу Наср Форобий «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар» асарида «Ранг нима?» деган саволга: «Ранг ялтироқ жисмнинг нимага ялтироқ бўлганининг чегарасидир, у жисмларнинг юзида ифодалангани⁹», – деб жавоб берган эди. Ушбу жавоб мантиқий нуқтаи назардан рангга муносабатни, баҳони билдиради. Худди шундай «ранг» ҳақидаги қараш, ушбу сўзнинг ўттиз бир маъноси атоқли шоир Э.Воҳидовнинг «Сўз латофати» китобида ҳам изоҳлаб келтирилган¹⁰. Аммо инсонларнинг ранглар ҳақидаги дастлабки билим ва тушунчалари мифологик тасаввурлар, қадимги диний эътиқодий қарашлар, ижтимоий-маданий ҳаёт, урф-одат ва маросимлар билан алоқадор мураккаб жараёнларни ўзида мужассам этади.

9 Форобий. Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар. – Тошкент: Фан, 1953. – Б.74

10 Воҳидов Э. Сўз латофати. – Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б. 60-70

Қадимги даврларда одамлар барча рангларни тўлиқ илғай олишмаган. Улар тасавурида уч асосий бўёқ – оқ, қизил, қора ранглар муҳим роль ўйнаганлигини ранглар ибтидоси, уларнинг тадрижий ривожини, маъно кўламларининг кенгайиши тадқиқ этилган барча тадқиқотларда ўқиш мумкин. Оқ ранг одамлар томонидан эзгулик тимсоли сифатида қабул қилинадиган қадимий ёруғлик рангидир. У «ҳаёт бошланиши асоси ҳисобланган сут ва уруғ эквивалентидир; у ташналикни қондириб, танани тозаловчи сув тимсолидир; оқ ранг, шу билан бир қаторда, юқори бегона сфералар тимсолидир, чунки у булутлар, самовий поклик ва ёруғлик билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам оқ ранг қадимдан эзгулик, кўпайиш ва муқаддас белги ҳисобланади. Қора ранг ибтидоий одамлар учун қоронғилик, тун ва қабр қоронғилиги, емирилиш ва ажал, демакки, ёмонлик тимсоли бўлиб келган¹¹».

Дарҳақиқат, ўзбек халқ маросимлари ва удумларида оқ рангни илоҳий кучлар билан боғлаб тушуниш излари тўлиқ сақланиб қолган. Масалан, тириклик сувини тотган Хизрнинг оқ соқолли, оқ саллалли, оппоқ либосли қария сифатида тасаввур этилиши кенг тарқалган. Яна бир эътиборли далил шуки, халқ ўртасида эътиқод билан қадрланувчи, хонадонда кўрилса устига ун сочиб, сут билан сийланувчи оқ илон образида Хизр намоён бўлади деган қарашлар мавжуд.

Қадимги инсонлар маълум бир рангдаги нарсалар, жониворлар одамзотни магик ҳимоя қилиш қудратига эга деб тушуниб, ранг магиясига алоҳида ишонч билан қараганлар. Шунинг учун ибтидоий одамлар кўпинча таналарини, юзларини ҳар хил ранглар билан бўяб ҳам юрганлар. Бунда, асосан, қизил ва оқ ранглар кўпроқ ишлатилган. Қабилла ёки уруғ бошлиғи Худонинг ердаги сояси, деб қаралгани сабаб маъбудларга алоқадор бўлган оқ ранг билан юзига, танига махсус излар чизиб юрган. Қабиланинг оддий аъзолари эса бадан ва юзларини қизил ранг билан бўяшган. Шунингдек, улар қизил тусдаги тақинчоқлар, парлар тақиб юрганлар. Жангу жадаллар вақтида жангчилар ўз танларига қора ранг суртиб олишган. Бу билан улар ўзларини ўлим келтирувчи, мусибат ёғдирувчи Ахриман қиёфасига солганлар.¹² Жангчиларнинг юзига қора суртиш таомили ҳозиргача сақланиб қолганлиги кузатилади.

Ранг рамзлар асрлар давомида шаклланиб, тарихан халқнинг қадимий миф, турли эътиқодий дунёқарашларига бориб боғланади. Барча турдаги рангларнинг туб илдизи халқнинг у ёки бу мифологик тасаввур, эътиқодий қарашларига боғлиқдир. Улар барқарор шакл ва туб мазмунга эга. Рамз сифатида келувчи барча рангларнинг барқарор шаклга эгаллигини фольклорнинг барча жанрлари мисолида кўрсатиш мумкин.

Ранг рамзларнинг поэтик маъноси образ ичида яширин келади. Муайян матнда бу яширин поэтик маъно халқнинг ушбу образ ҳақидаги тасаввур, тушунчалари асосида англашилади.

¹¹ Ўша китоб, 19-б.

¹² Мифы народов мира. Энциклопедия. Т.2. – Москва: 1982. – С.107.

Ранг рамзларнинг поэтик ва луғавий маъноси ўртасида билвосита боғланиш мавжуд. Образ билан боғлиқ тасаввурлар унутилса, рамзий маъно англамай қолади.

Ранг рамзнинг туб маъноси муайян матнда рамзий «қўшимча»лар воситасида ўз маъно кўламини у ёки бу даражада кенгайтиради. Баъзи ҳолатларда ўзак маънога бевосита боғлиқ янги поэтик маънолар ҳосил бўлади. Бу ҳолат халқ лирикасига тегишли намуналарда яққол кузатилади. Шу йўл билан поэтик рамзнинг чексиз бадиий имкониятлари намоён бўлади.

Айни пайтда ранг рамзларга хос қўшимча хоссалар ҳам мавжуд. Бу хосаларни қуйидаги кўринишда умумлаштириш мумкин:

1. Ранг рамзлар фольклорнинг ҳар бир жанрида ўзига хос равишда намоён бўлади. Улар маросим фольклори намуналарида магик-поэтик маъно ташиша, номаросим фольклор жанрларида бадиий-эстетик мазмун ифодалайди.

2. Шаклан ранг рамзлар, асосан, жуфт сўз ёки бирикма шаклида келади. Тил нуқтаи назаридан бу бирликда ранг сифатлаш кўринишини олади. Лекин матнда рамзий маънони шакллантирувчи вазифа бажаради. Масалан, Оқ дев, Сарик дев, оқ олма, қизил олма, кўккина қуш. Ушбу бирикмаларда рамзнинг рамзий маъноси ранг асосида ойдинлашади.

Фольклор асарлари таркибида келувчи рамзий бирикмаларни умумий ифодалаб келадиган маъносига кўра қуйидаги мавзуий типларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Мифологик тимсолларни ранглар воситасида ифодаловчи рамзий поэтик образлар: оқ дев, оқ момо, қора дев, кўк дев, сарик дев, қизил дев, сарик момо, қора момо каби.

2. Кўзга кўринмайдиган, лекин ҳис этиш, англаш мумкин бўлган мавҳум тушунчаларни ранглар воситасида ифодаловчи рамзий поэтик бирикмалар: қора ният, бахти қора, оқ бахт, йўли оқ, йўли қора, оқ ният, оқ фотиҳа каби.

3. Вақт тушунчасини ранглар воситасида ифодаловчи, фаслларга хос белгини аниқ тасвирлашга хизмат кўрсатувчи рамзий поэтик бирикмалар: оқ тонг, қора тонг, қизил тонг, қора тун, қора қиш, кўклам, кўм-кўк баҳор ва ҳ.к.

4. Тимсолий маконни ранглар воситасида ифодаловчи рамзий поэтик бирикмалар. Бунга оқ сарой, оқ айвон, оқ уй, қора тепа, қора тоғ, қора ер, қора гўр, қора уй, қизил уй, зар девор, қизил майдон, кўк осмон ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

5. Инсон гўзаллигини, маъшуканинг жозибали кўринишини ранглар воситасида ифодалаб келувчи рамзий поэтик бирикмалар. Бунга қора қош, оқ билак, қизил юз, қизил (лаъли, ол) лаб, оқ сийна, оқ тўш, қора кўз, оқ садаф тиш, қора хол кабилар мисол бўлади.

6. Инсоннинг ёш хусусиятини, навқирон ёшдалигини ёки кексалигини ранглар воситасида билдирувчи рамзий поэтик тимсоллар: оқ соч, қора соч, оқ соқол, қора соқол каби.

7. Қасаллик белгисини ранглар воситасида ифодаловчи рамзий поэтик бирикмалар: оқ очмоқ, қора чечак, қора момо, сарик касал, қизилча, қорамик каби.

8. Тимсолий кийим-кечакнинг ранг воситасида фарқланишини билдириб келган рамзий поэтик бирикмалар: оқ кўйлак, оқ дока кўйлак, оқ рўмол, оқ камзул, оқ телпак, қора чакмон, қора телпак, оқ қалпоқ, қора паранжи, қора кўйлак, қизил рўмол, қизил кўйлак, кўк кўйлак, яшил тўн, сариқ кўйлак, сариқ рўмол ва ҳ.к.

9. Нарса-буюмларнинг тимсолий образини ранглар воситасида ифодаловчи рамзий поэтик бирикмалар: оқ чинни пиёла, оқ қоғоз, оқ қанд, қора сиёҳ, қора тош, сариқ сомон, оқ тош каби тимсолларни мисол келтириш мумкин.

Умуман айтганда, ранг табиатдаги барча нарсаларнинг туси ва белгисини фарқлаш имконини бериш баробарида улар билан боғлиқ, инсон кўнглида туғилган турли кайфият, ҳис-туйғуларни, онгида уйғонган ўй-кечинмаларни, ҳаётида кечган турфа воқеа-ҳодисаларни ифодаш воситаси сифатида ҳам қўлланилиб келади.

Оқ, қора, қизил рангларнинг ҳар бир халқ маросим ва фольклоридаги бошқа маънолари уларнинг тадрижий босқичларини кузатиш имконини беради. Оқнинг эзгулик, қоранинг ёвузлик, қизилнинг жўшқинлик ва бошқа семантик доираси муайян халқнинг яшаш шароити, диний-эътиқодлари, ижтимоий-сиёсий тарихи билан алоқадор ривож топа борган. Оқ ва қизил ранг бирлигига қора ранг қарама-қарши маънода келиши, қора рангнинг улуғ, қудратли маънолари бунинг далилидир.

Боб якунида унга тегишли хулосалар ўз ифодасини топган.

Ранглар ҳар бир соҳа табиатига кўра турлича маъно касб этади. Фольклор ва адабиётда ранглар биринчи галда рамзий мазмун ташийди. Фольклор намуналаридаги барча рамзий ва тимсолий образлар қаторида ранг тимсол ва рамзлари инсоннинг ташқи дунёни «қайта ишлаб» қабул қилишга мослашган ички оламининг ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Халқ кўшиқларида ранглар лирик қаҳрамоннинг ҳис-кечинмаларини, қалб туғёнларини, фикр-ўйларини жонли ва таъсирчан акс эттириб келади. Бунда ижодкорлар унга турлича муносабатда бўлиши кузатилади. Яъни ижодкорлар ранг воситасида лирик қаҳрамоннинг турли руҳий кайфият ва вазиятдаги ҳолатини очиқ бериши ёки бадиий рамзийлик яратиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, фольклордаги ранглар символикаси қадимий асосларга ва анъанавий маъно қатламларига эгаллиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маросим фольклорида ранг символикаси**» деб номланган бўлиб, икки фаслдан таркиб топган. Унда шомон маросимларида рангларнинг қўлланишига доир назарий қарашлар ҳамда маросим кўшиқларида рангларга муносабат ифодаси таҳлил этилади.

Дунёдаги барча халқлар маросимлари ва маросим фольклорида ранглар алоҳида ўринга эга. Ибтидоий турмуш тарзига яқин шароитда яшовчи Австралия, Африка халқлари, қабила ва элатлари маросимларини тадқиқ этган олимлар бу хусусда жиддий илмий ишларни яратишган. Олимларнинг қайд этишларига кўра, ибтидоий одамларнинг жамоа бўлиб уюштирган барча маросимларида иштирокчиларнинг таналарини турли рангларга бўяшлари, ранг-баранг ниқобларни тақиб олишлари, турфа рангли кийимларни кийишлари

шунчаки безак бўлмай, маълум магик-рамзий маъноларга эга бўлган. Рангларнинг жорий анъаналар тартибига мос танланиши ўтаётган маросимнинг таркибий қисмини ташкил этган, мазмун-моҳиятига уйғун вазифа бажарган. Энг эътиборли жиҳат: бу халқлар, қабила ва элатлар дунёнинг қайси қисмида яшашларидан қатъи назар уларнинг маросимларида қўлланувчи рангларнинг туб маънолари бир-бирига мос келиши қайд этилган. Оқ, қизил рангларнинг маросимлар таркибида оммавий кўриниш олган яна бир анъанавий халқаро маъноси оқ рангнинг эркак, қизил рангнинг аёл сифатида келишидир. Умуман олганда, рангларнинг ушбу бирлаштирувчи семантик қатламидан ташқари ҳар бир халқнинг яшаш шароити, тарихий тақдири ва бошқа омилларга боғлиқ пайдо бўлган ўзига хос хусусий кўринишдаги рамзий маънолар тизими ҳам мавжуд. Бу эса ранг рамзларнинг маросимларда, фольклор, адабиёт ва санъатнинг барча турларида ҳар бир халққа хос индивидуал талқинларини пайдо қилган.

Қадимги одамларнинг олами эзгу ва ёвуз руҳлар бошқаришига (анимизмга) ишончи асосида туғилган тушунча ва тасаввурлар, жумладан, эзгу руҳларни ёрқин рангларда, ёвуз руҳларни эса хира рангларда талқин этиш билан боғлиқ дунёқарашлар, айниқса, шомон маросимлари ва фольклорида устувор кўриниш олган. Ўзбек шомон фольклорида ҳам ранг символикаси муҳим ўрин тутди ва энг қадимий қатламга тегишли тасаввурлар силсиласида туради. Халқ ўртасида бугунги кунгача давом этиб келаётган турли шомон маросимларида ушбу тасаввур ва тушунчаларни аниқ кузатамиз. Маълумки, шомонлик дунёқараш ва тасаввурларига кўра шомон бутун олами ўраб турган руҳлар дунёси билан одамларни ўзаро боғлаб турувчи шахс сифатида қаралган. Энг улуғ шомонлар борлиқнинг уч қатлами: осмон – эзгу руҳлар макони, ер юзи – одамлар, ер ости дунёси – ёвуз руҳлар маконига бора олиш, улар билан алоқа қилиш куч-қудратига эга деб тушунилган, талқин этилган. Ушбу одамлар эса маълум рангларга эга кучлар сифатида англаган. Осмон кучлари оқ рангда, ер олами қизил рангда, ер ости дунёси қора рангда тасаввур қилинган. Шомон маросимлари ва улардаги айтимларда момо руҳлар, дев ва париларнинг маълум ранг ва сифатларда келиши бевосита ана шу ишонч ва тасаввурларни ифодалайди. Бинобарин, Оқ момо, Кўк момо, Қора момо, Сарик (қизил) момо, Оқ дев, Қора дев, Қизил дев, Оқ пари ва бошқа образлар ушбу фикримизнинг исботидир. Шомон айтимларида бу руҳлар одамларга зарар етказувчи, касаллик келтирувчи ёвуз кучга эга тасқара кампир, баҳайбат махлук ёки аксинча, ёрдам берувчи гўзал қиз қиёфасида тасвирланади.

Халқ орасида «Қорамик момо» (сувчечак), «Қизамик момо» (қизилча тошиши ёки гулафшон), «кўкйўтал», «сарғайма» сингари касалликлар номи бевосита момо руҳлар етказган хасталик сифатида қаралиб, улар номи билан боғлиқ маросим ва айтимлар мавжуд. Ушбу дардлардан бирига йўлиққанда, албатта, момо руҳ номига «қизамик» бўлса қизил, «сарғайма» бўлса сарик, «қорамик» бўлса қора, «кўкйўтал» бўлса кўкиш тусли жонлиқ қурбонлик келтирилиб, махсус даво эми адо этилади. Бунда қурбонлик қилинадиган жонлиқларнинг ранги алмашмаслиги шарт ҳисобланади.

Қаро момо тили билан сиздан мадад тиларман!

Сариқ момо тили билан сиздан мадад тиларман!
Оқ момо тили билан сиздан мадад тиларман!¹³

Кишилар ўзининг ёки яқинларининг соғлиғи, оиласининг тинчлиги ва хотиржамлиги, ишларининг юришиши учун кўпинча қора, кулранг, оқ, қизғиш тусдаги жонлиқлар – кўчқор, кўй, эчки, товуқ каби жонзотларни қурбонлик қилишган. Бунда худо йўлига қилинадиган қурбонлик учун, асосан, қизил (қизғиш) рангли жонлиқ танланган. Чунки халқ орасида қизил ранг ҳаёт, сихат-саломатлик ва хурсандчилик тушунчасида рамзийлаштирилиши анъанавийлашган. Шунингдек, худо йўлига аталган қурбонликнинг оқ рангли бўлишига ҳам диққат қилинган. Яъни оқ кўй, оқ кўчқор, оқ от каби жонлиқлар танланган. Зеро, бунда оқ рангнинг эзгулик, поклик маънолари асос бўлган. Оқ рангли жонлиқ осмон кучларига аталган.

Ана шу ҳаётий воқелик халқ эпик асарларида, айниқса, эртақ ва дostonларда қаҳрамонга маълум бир тусдаги жониворларнинг мадад бериши ёки аксинча рақиблик қилиши билан боғлиқ мотивларнинг шаклланишига туртки бўлган, дейиш мумкин. Бинобарин, халқ эртақ ва дostonларида эпик қаҳрамонга оқ кўчқор, оқ от, оқ илон, оқ кийик ва ҳоказо каби оқ тусдаги ҳайвонлар ҳомийлик кўрсатса, қора тусдаги жонзотлар ва мифологик персонажлар (қора дев, қора шер каби) рақиб сифатида тасвирланган.

Ўзбек халқ маросим фольклорида ҳам оқ, қизил, қора рангларнинг умуминсоний рамзий маъноларга уйғун мазмунга эга эканлигини кўриш мумкин.

А. *Тўй маросимлари фольклорида ранг рамзларининг қўлланилиши.* Ўзбек тўй маросим фольклорида лирик характердаги жанрлар салмоқли ўринга эга. «Ёр-ёр», «Келин салом», «Куёв салом», «Ўлан»ларни шулар жумласига киритиш мумкин. Айни пайтда маросим лирикасида учрайдиган кўпчилик ранг рамзлар лирик қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ туйғу ва кечинмаларни ифодаловчи психологик рамзга айланган. Аксарият ёр-ёрларда келувчи рамзий образлар тарихан ритуал рамзларга алоқадор бўлишса-да, ҳозирги ҳолатида тўйлик психологик рамзларга айланиши кузатилди. Жумладан, халқимиз орасида анъанавий тўй маросимларида ранглар рамзига алоҳида эътибор берилади. Масалан, никоҳ маросимлари билан боғлиқ анъаналарда оқ ранг муҳим ўринга эга. Бу маросимдаги оқликлар (оқ ранг билан боғлиқ рамзийликлар) ёшларнинг бахтли ва порлоқ келажаги, турмуши рамзини ифодалаб келади. Никоҳ тўйининг илк босқичи бўлган совчилик удумида оқ ранг алоҳида ўрин тутуди. Совчиликка борилганда қиз томон рози бўлса, оқлик (оқ рўмол, оқ ҳолва) бериш одати мавжуд. Шундан сўнг куёв томон келинга оқ рангли никоҳ кўйлаги ва катта оқ ҳарир рўмол жўнатган. Никоҳ тўйида келин-куёв оқ рангдаги сарполар кийишади. Келин учун тўй олдидан жўнатилган сарполар устига оқ сурпга ўралиб ойна кўйилган. Бу ойна ўралган оқ сурпли тугун тўй куни келин-куёв гўшангага кирганда «ойна кўрсатар» удумини ўтказиш муддатидагина очилган. Куёв учун тикилган тўн кийдирилганда унинг эгнига

¹³ Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зарафшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – Москва: Наука, 1975. – С.101-102.

куёвнинг бўйи баробар оқ ип ўтказилиш одати ҳам бор. Ипнинг ҳажми куёвнинг бўйидан кам бўлмаслигига алоҳида эътибор қилинган. Бу ирим бўлажак оиланинг бахтли ҳаёт йўли узун бўлиш истагини ифода қилган. Никоҳ куни куёв хонадонига кузатилаётган қиз отасининг оёғига бош қўйиб, ундан «оқ фотиҳа» – розилик олади. Никоҳдан сўнг куёв хонадонига келтирилган келинчак оқ ун, оқ мато – пояндоз, оқ сут билан кутиб олинади. Қудаларнинг юзига ҳам ун суртиб кўришиш одатига республикамизнинг барча вилоятларида бугунги кунгача амал қилиб келинмоқда. Баъзи жойларда келин-куёвга оқ рангдаги кигиздан ўтов тикилади. Шундан бўлса керак, никоҳ маросими билан боғлиқ ёр-ёр, келин салом намуналарида «оқ ўтов» образига алоҳида урғу берилади:

*Оқ ўтовлар қурилсин, Айвонингга, ёр-ёр.
Ўғил-қизинг ўйнасин, Тўрт ёнингга, ёр-ёр.*¹⁴

Оқ рангнинг рамзий маъносини тўйдан сўнг келинни хонадон супраси олдига ўтирғизиш, ун ва ёғга қўлининг теккизилишида ҳам кўриш мумкин. «Куёв чақирди» маросимида куёв ҳам остонада оқ пояндоз солиш кутиб олинади.

Мучал тўйида 12 ёшдан 13 ёшга қадам қўйган ўғил-қизларга оқ либослар кийдирилади. Бу удумнинг тарихий илдизлари зардуштийлик билан боғлиқ. Зеро, зардуштийларнинг сидрапўшлик удумида ҳар бир зардуштий ўн беш ёшга тўлгач, унга оқ матодан чакмон, кўйлак кийгизиш, бошига салла ўраш, белига оқ кўйининг етмиш икки тола юнгидан тўқилган белбоғни боғлаш одат бўлган ва бу одат салкам ўн уч аср давом этган.¹⁵ Оқ кийим зардуштийлар диний эътиқоди рамзи бўлган. Оқ либоснинг зардуштийлик рамзи эканлиги борасида «Яшт»нинг «Митра қасидаси»да алоҳида таъкидланган.¹⁶

Суннат қилинаётган болага ҳам оқ кўйлак кийдирилади. Ушбу жараёнда боланинг онаси жимжилоғини косадаги унга солиш туриш одати ҳам бор. Бу ирим-одатлар заминида оқ ранг поклик, покизалик тимсоли ҳисобланиши билан бирга рамзий маънода боланинг улғайганлигини ҳам ифодалайди. Фольклоршунос О.Сафаров «..тўй бола батамом соғайганига қадар чиллани ҳисобланиш, оқ матодан лозим-кўйлак кийдириш қўйилади»,¹⁷ – дея маълумот беради. Бу эса, болалик оламини тарқ этиш, катталар оламига ўтаётган боланинг илоҳий кучлар ҳомийлигидалигидан далолат.

